

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 55 (6797)
1997 йил, 19 июль, шанба

Сотувда эркин
нархда

Ташкилотчилик етишмагач...

булишига қарамай, бу ишда деярли узғариш бўлмади.

Вилоятда 321 та умумтаълим мактаблари булиб, уларда 144 минг 453 нафар бола ўқийди. 1997 йил учун «Тонг юлдузи» газетасига обуна бўлиш режаси бутунлай барбод этилди.

нарига ўтмади. Ваҳоланки, вилоятнинг айрим мактабларида бўлганимизда маблағ топиш имкониятлари бисёрлигининг гувоҳи бўлдик.

Масалан, Ш.Рашидов туманидаги йигирмадан ортиқ умумтаълим мактабларига бир

шибди. Шунингдек икки нусха бюджет хисобидан обуна қилинган.

Мактабнинг маърифат ва маънавият ишлари бўйича директор уринбосари Нурилла ака Алибердиевнинг таъкидлашича, мактаб жамоаси қўшимча олган даромадидан аълочи ва жамоатчи ўқувчилардан 50 ка яқинини газета



БОЛАЛАР ҚАЧОНДАН ГАЗЕТА ЎҚИМАЙ ҚЎЙИШДИ?

Фактларга мурожаат қиламиз:

Бюджетдан 300 нусха урнига 207 тага, шахсий обуна 1705 нусха урнига 530 тада қолиб кетди.

Вилоят почта хизмати бошқармасининг матбуот тарқатиш бўлими етакчи ходими Эмма Мусееванинг маълумотига қараганда июнь ойида шахсий обуна 645 тага, бюджетдан 170 тача булган. Маълум бўлишича бу рақамлар йил охирида шахсий обуна бўйича 148 тага, бюджетдагиси эса 169 тага тушиб қолади.

Хуш, нега аҳвол бундай ачинарли булиб қолмоқда. Ана шундай саволлар билан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.А.Гуломовага мурожаат қилганимизда, у киши нақд пулнинг йўқлигини қатъий қилиб таъкидлашдан

неча йилдирки, ёрдамчи хужалик юритишлари учун икки гектардан сугориладилган ер майдони ажратилди. Ана шу ажратилган ерлардан самарали фойдаланиб мумайгина даромад олаётган мактабларни куплаб келтириш мумкин. Бунга барча мактабларда имконият старли. Жорий йилда тумандаги Й.Охунбобоев номидаги 1-урта мактаб Т.Малик номли деҳқон-фермер хужалиги билан узаро шартнома тузиб 10 га майдонга пахта экди. Айни пайтда гузалар баравж ривожланмоқда. Айтмоқчиманки, мактабларда молиявий аҳволни шарҳлаб олиш имконияти старли. Фақат бу имкониятдан фойдаланиш учун озгина қўнт ва ташкилотчилик булса бас.

Шу мактабнинг 8-синф ўқувчилари иккитадан 16 нусха «Тонг юлдузи»га обуна бўли-

ва журналларга бепул обуна қилиш билан биргаликда илгор ўқувчиларга турли хил стипендиялар ҳам ташкил қилишни режалаштириб қўйган. Демак, «Излаган имкон топиши» мумкин экан.

Абдуманноп АЗИМОВ.

Тахририятдан:

Республика ўқувчиларининг ягона газетаси «Тонг юлдузи»га» обунанинг эътиборсизлиги биргина Сирдарё вилоятида эмас. Ҳисоблаб кўрсак, кўпгина вилоятларда ҳатто бир мактаб ўқувчилари миқёсида ҳам муштарийларимиз йўқ экан... Бизни шу кўнларда қизиқтираётгани — Хоразму Қашқадарё, Бухорою Тошкент, Қорақалпоғистону Сурхондарёда... нечта мактаб ўқувчилари сонига тенг обуна ташкилланаркин?

Бу мавзуга яна қайтамиз.

Вилоят халқ таълими бошқармаси С.Гуломова номига шу йилнинг 9 июни куни Республика халқ таълими вазирлиги томонидан вазир уринбосари М.Султонов имзоси билан шошилинчнома келди:

«Ўзбекистон халқ таълими сизга «Тонг юлдузи» газетасига 1997 йилнинг иккинчи ярмига обуна қилиш ишларини

фаол ташкил қилишни маълум қилади. Қилинган ишлар натижасини вилоят, шаҳар, туманлар бўйича умумлаштириб, 28 июнгача вазирликка хабар беришингизни сурайман».

Бошқарма бошлиғи ушбу вазифани бажаришни уринбосари С.Элмуродовга юкледи. Муовин булса, одатдагидек ижрочи ходимларга...юкледи. Ва ниҳоят, 24 июнь

нинг Бош қотиби Жанкарло Арагона бошчилигидаги ушбу халқаро ташкилот делегацияси Ўзбекистонга амалий ташриф билан келди. ЕХХТ Бош қотиби Жанкарло Арагонани Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислому Каримов қабул қилди. Шунингдек, меҳмон Олий Мажлис раиси Эркин Халилов, Ташқи ишлар вазيري Абдулазиз Комилов билан учрашди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида булди.

КЎКДУМАЛОҚДАН ГАПРАМИЗ

Яқунланаётган ҳафтада республикамиз ҳаётида яна бир катта воқеа содир булди. Ўзбекистон, АҚШ ҳамда Япония мутахассислари ҳамкорликда бунёд этган Кукдумалоқ компрессор станцияси ишга тушди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг узига хос тараққиёт йули-

ни белгилар экан, нефть ва газ саноатини замонавий технологиялар асосида ривожлантиришни, мамлакатда ёқилғи мустақиллигига эришини устивор йўналишлар сирасига киритган эди. Республикаимизда бу бора-



да улугвор ишлар амалга оширилмоқда. Кукдумалоқ ва Минбулоқ конларини узлаштириш, Қоровулбозорда қурилиши битказилаётган нефтни қайта ишлаш заводи, Фаргона нефтни қайта ишлаш корхонасининг тубдан таъмирланаётган

ни шулар жумласидандир. Янги станция иншоотининг тақдимот маросимида Президент Ислому Каримовнинг станция қурилиши қатнашчиларига йўлаган табрикномаси ўқиб берилди.

ХАЛҚАРО ҚАРОРГОҲ — ТОШКЕНТДА

Канаданинг Торонто шаҳридан Осие таэквондо (ИТФ) Федерациясининг штаб-квартираси Тошкентда қарор топиши режалаштирилаётганлиги ҳақида хушxabар етиб келди. Бу ҳозирча расмий эътироф этилмаган булса-да, лекин Торонтода ўтказилган Халқаро таэквондо федерациясининг конгрессида Осие қитъаси делегатлари ҳамюртимиз Вольмир Лигайни Осие Федерацияси Президенти этиб сайланди. У ўзбекистонликлар орасида халқаро спорт

ташкilotига раҳбар этиб сайланган биринчи кишидир. Федерация бош қотиблигини Фарҳод Тожибоев эгаллади. Хуллас, Тошкент илк марта халқаро спорт федерацияси қароргоҳини қабул қилиш арафасида турибди.

ЯНГИ КЕМА ПАРВОЗИ

Оқ-мовий рангга бўялган «RJ-85» ҳаво кемаси «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпанияси вакиллари бошқарувида илк бор Фаргонага парвоз этди. Авиациянинг сунғи ютуқларини узида мужассам этган, ташқи қурилиши билан кўзни қувонтирувчи ушбу самолёт Фаргона аэропортида катта қизиқиш ва эҳтиром билан қабул қилинди. Шукуни янги самолёт фаргоналик дастлабки йуловчиларни мамлакатимиз пойтахтига олиб келди.

ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС СЕССИЯСИ

Утган куни Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Республика Президенти Ислому Каримов янғича тафаккур замон талаби эканлиги республика халқ хужалигининг ҳар бир жабҳасида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Сессия қатнашчилари давлатимиз раҳбари нутқида баён этилган тавсиялар, ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги вазифаларни бажариш юзасидан махсус қарор қабул қилдилар.

ЖАНКАРЛО АРАГОНА — МАМЛАКАТИМИЗ МЕҲМОНИ

Европадаги Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот-

МУЗКОРААБДУДУДУДУ МУЗМУКОРА

Мен Баховуддин Нақшбанд кучасида яшайман. Ҳар бир одам ўзи яшаётган куча, шаҳар номлари тарихини билиши керак. Мен ҳам Баховуддин Нақшбанд тарихларини урганяпман. Гузал қадимий Бухоромизнинг фахри булган бу табаррук зотни бутун дунё биледи. Шу таътил кунларда ўқитувчимиз бошчилигида Баховуддин Нақшбанд зиёратгоҳига бордик. У ерла улуг бобомизнинг мақбараларини, жоме масжидини кўрдик.

Ҳовуз буйидаги улкан тут дарахти диққатимни узиға тортди. — Вой-буй, бунча катта дарахт булмаса, — дедим ҳайратланиб, Шунда ўқитувчимиз барчамизни атрофларига йиғиб, унинг тарихини айтиб бердилар.

Ривоят қилишларича, бу

тут ҳазрати Баховуддин билан тенгдош эмиш. Қадимда бу ерларда дарахт усмаган экан. Бир куни улар ҳассаларини ерга суқиб, узлари бомдод намозини ўқигани кириб кетибдилар. Оллоҳнинг қудратини қарангки, у киши намоздан қайтиб ҳассаларини олмоқчи булсалар, ҳассалари куқариб турган эмиш..

Бу ривоятдан қизиқишимиз янада ортиб, ўқитувчимизни саволға тутдик.

— Келинлар, яхшиси, мен сизларға Баховуддин Нақшбанд ҳақларида билганларимни айтиб бераман. Яхшилаб қулоқ солинлар, — деди ўқитувчимиз.

У киши Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида

1318 йилда таваллуд топганлар. Бу билан боглиқ жуда кўп афсоналар мавжуд. Нақл қилишларича, авлиё шайх Бобои Самосий қасри Ҳиндувон қишлоғи яқинидан ута туриб, муридларига: «Бу тупроқдан муборак бир эриси келадур», — деган эканлар.

Уша пайтда ҳазрати Баховуддин оналарининг қоринларида икки ойлик эдилар.

Орадан кунлар утиб, шайх Самосийнинг йуллари яна уша қишлоққа тушибди. Ва дебдиларким, «Менинг димоғимға етган уша муборак ис янада зиёдароқ булибди улар». Маълум булдики, ушанда Баховуддин ҳазратлари эндиғина дунёға келган эканлар. Шайх Самосий уч кунлик чақалоқни уз тарбияларига оладилар.

Шайх Самосийнинг тарбиясини олган Баховуддин ҳазратларини Увайсий, деб аташган. Сабаби, Хожаи Жаҳон Абдуҳолиқ Гиждувоний

«Увайсий» дегани...

ҳар кеча ёш Баховуддиннинг тушларига кириб, унга шарият ва тариқат илмидан сабоқ берганлар. Пирларидан ғойибона сабоқ олганларни «Увайсий», дейишадди. Хожа Баховуддин устози Абдуҳолиқ Гиждувоний асос солган нақшбандия тариқатини янада юксалтирдилар. Бу тариқатнинг асосини «Дил ба ёру даст ба кор» ҳикмати ташкил қилди. Бунинг мазмуни: «қулинг ишда, кунглинг Оллоҳда булсин», демакдир.

Бу ҳикоятлар менинг ихлосимни оширди. Хожа Баховуддин ҳақидаги барча китобларни топиб ўқишга, уларнинг тарихларини янада чуқурроқ урганишга қарор қилдим.

Гузал ҚОДИРОВА,
Бухоро шаҳридаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ихлос

НОДИР БУЮМЛАР БОР БУНДА

Ш. Рашидов туманидаги У. Юсупов номи 14-ўрта мактабда Ш. Рашидовнинг меҳнат, ҳаёт фаолиятини акс эттирувчи бурчак ташкил этилди. Бу ерға ташриф буюрган ўқувчилар ва меҳмонлар Ш. Рашидовнинг ҳаёт фаолиятига оид қимматли архив ҳужжатлари, фотосуратлар ва бошқа қизиқарли маълумотлар билан танишадилар. Шуниси эътиборлики, мазкур бурчакдаги барча ҳужжатлар мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Яҳё Ибрагимов раҳбарлигида ўқувчилар томонидан тўпланди.

Мазкур мактаб ўқувчилари таътил кунлари булишига қарамай, жонажон мактабларига тез-тез келишиб, турли хил тадбирларда иштирок этишяпти. Уқув йили охирида ташкил этилган мактаб музейи экспонатлари кун сайин бойиб бормоқда. Бу тарихий-музей кўргазмаларидан қимматли тарихга эга бўлган нодир буюмлар урин олган.

А. АЗИМОВ,
Сирдарё вилояти.



Боболар сабоғи

АБУ АБДУЛЛОҲ ЖАЙҲОНИЙ

(Тахминан 870—942)

тиқ тирнаб олгани туфайли умрининг оғиригача мушукдан қурқиб юраркан. Ана шу му-

шукдан қурққан йигитча балогатга етгач, саройға хизматта олинган, кейинчалик бош вазирлик қилган. У Бухоро ҳукмдори Исмоил Сомонийнинг унг қули эди. Ундаги сезгирлик, илмға булган қизиқиш, кўпчиликинг қалбига йул топа билишлик каби хусусиятлар сарой аҳлини лол қолдириб келган. 914 йили Сомоний вафотидан кейин унинг гудак угли шаҳзода Наср бин Аҳмад тахтга утиради. Аммо, у давлатни бошқаришга ешлик қиларди. Ушанда бош вазир Жайҳоний бутун давлат ишларини уз қулига олиб, вазифани адолатли бажарарди. Шу билан бирга мамлакатда илм-фан тараққиетига қулидан келганича шароитлар яратишга ин-

тилган. Абу Зайд Балхий, Абу Дулоф, Фаллон сингари олимларни атрофига тўплаб, уларни дунёдаги бошқа мамлакатлар тарихи, жуғрофиясини урганиб келиш учун саяхатларга тез-тез жунатиб турган. Узи эса бошқа мамлакатлардан келган сайёҳ ва савдогарлардан яшаган жойлари ҳақидаги ҳикоятларини эшитиб, хотира дафтариға езиб олаверган. Жуғрофия илмидан ташқари тарих ва фалсафа билан ҳам шугулланган. Бироқ шундай одил вазир ва аллома 942 йилдаги қаттиқ ер қимирлаш пайтида вайрона остида қолиб, вафот этган.

Болажонлар, биз Абу Абдуллоҳ Жайҳонийни жуғрофия илмининг отаси, дедик. Унинг «Китоб ал-масолик вал мамолик», яъни «Масофалар ва мамлакатлар китоби» деган улкан асари араб тарихчиси Мақдсийнинг езишича етти жилдан иборат булган. Бироқ шундай катта илмий асар бизгача тулик етиб келмаган. У бу асарини езиш учун Бухороға келган жуда кўп сайёҳ ва олимлар билан суҳбатда булган. Ҳатто катта мамлакатлардаги олимларға мактублар йуллаб, маълумотлар олган.

Жайҳоний вафотидан кейин унинг жуғрофияға оид йирик асари жуда кўп мамлакатлар олимлари томонидан урганилган ва ундан ешларни ўқитишда фойдаланилган.

О. ҚҶҚОРБЕКОВ.

Маърифат ёғдуси

Азиз болалар, даҳо боболаримиздан яна бири — бундан минг йил бурун Туронзаминда жуғрофия илмининг отаси ҳисобланган, буюк жуғрофийон олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибни Аҳмад ибн Наср Жайҳонийдир. У з даврида аллома Жайҳонийни жуда кўп олимлар узларининг ғойибона пирлари, яъни устозлари деб билганлар. Жумладан, оламға машҳур аллома Абу Райҳон Беруний ҳам унинг асарларини ўқиб, устоз деб билган.

Инсон ҳаёти қизиқ. Табиатда шундай улкан фил митти сичқондан қурқар экан. Абу Абдуллоҳ ҳам гудаклигида қат-



Таътилдаги ижодкорлик

Биттадир дунёда она деган ном

Сулаймон РИСБОЕВ

ГУЛ ТЕРГАН ХУШБЕК

Ҳар куни шу йул билан ишга бораман. Йул буйида катта бир уй бор. Уйнинг орқасида тепалик, тепаликнинг бу томонида кичкина яшил адирлик. Қишлоқ аҳли шу адирлик орқали куй-эчкисини далага ҳайдаб утади. Ҳар куни катталарнинг орасида бир кичкина бола ҳам утади. Катта бувиси молхонадан куй-эчкисини чиқариб, одамларнинг молига қўшиб беради. Бояги кичкина бола унинг невараси. У ҳар куни шу алфозда, куй-эчкиларини ҳайдаб, катталар билан бирга кенг адирликка чиқади... Катта бувиси молхонанинг атрофида унинг диконглаб кетаётганини кузатиб, келишини кутиб олади. Ёзда тепаликнинг ёнидаги адирликда лолалар кўп ўсади. Улар ҳар куни эрта билан қизил-пушти булиб очилиб қолади. Бола адирдан келгандан сўнг, югуриб-елиб лола теради. Гул терган бу болага деярли ҳар куни учрайман.

Бир куни гул тераётган алфозида яна учратдим.

— Ҳой, гул тераётган бола, исминг нима?—деб сураб қолдим.

У беҳабар утирган булса, керак, чучиб, уридан туриб кетди.

Терган гулларини мендан яширди.

—Тера бергин, теравер... — дедим мен. — Сен яхши боласан-ку, исминг нима?

— Хушбек.

— Хушбек, гулни нима қиласан?

— Онамга олиб бораман.

— Онамга?... Онанг гулни ни-

ма қилади?

— Онам гулни ҳидлаб ёшаради. У кексайиб бормоқда-ку. «Ёшаради», мен қулдим.

Хушбек кичик гулдастани олганча уйи томон чопқиллади. Катта бувиси одатича ҳовли ёнида утирган экан. Неварасини кутиб олди. Невараси унга терган гулларини берди. Катта бувиси гулни ҳидлаб, неварасини маҳкам қучоқлади. Гулни ҳидлаб алқади. Улар менга эътибор беришмади. Мен йулдан утаётиб кузатиб қолдим.

Уларни куриб юқоридаги мулоқотимиз яна ёдимга тушди:

«Онанг гулни нима қилади?»

«Онам гулни ҳидлаб, ёшаради... У кексайиб бормоқда-ку».

Салгина аввал, кичкина, олти ёшли боланинг шу сузини эшитиб кулган эдим. Бола азият чекиб қолгандай эди, назаримда. Бекор қилган эканман. У тўғри айтган экан.

Белидан қувват кетаётган бир пайтда кичкина невараси куй-эчкиларини ҳайдаб, катта одамларнинг орасида боягидай диконглаб бораётган болани куриб бир яйраса, эрта тонгда туриб, буюрганини бажариб, эринчоқ-ялқов булмай, вояга етаётгани унга ҳар куни кучқувват, мадал бераётгани тўғри эди.

Катта бувисининг ёшартириш дегани шу эмасми? ..

Қирғизчадан Неъматжон МАМАТОХУН ал-ЛАНГАРИЙ таржима қилди.



ОЙИМ НОН ЁПДИЛАР

Деразангни очиб сен

Нималар кўрдинг

тонгда?

—Кўзим қамашиб

кетди

Энг аввал уйғонганда.

Кейин чироқни

кўрдим,

Нури сўниб қолибди.

Жим қулоқ солиб

турдим:

Ёмғир тиниб қолибди.

Шовиллаган дарахтда

Қушлар кўшиқ

айтарди.

Иссиқ мамлакатлардан

Турнажонлар қайтарди.

Боғдаги ирмоқчамиз

Тўлиб, тўлиб оқарди.

Олгин қуёш эркалаб,

Булутларни ёқарди.

Тоза ҳаво, салқин ел

Кучимга куч қўшарди.

Кенг ҳовлида

чопқилиб,

Меҳнат завқим

ошарди.

—Шунчалар кўп

нарсалар

Кўрдингми бир

қарашда?

—Ойимлар нон

ёпдилар,

Мен уларга қарашдим!

Умида.

Мақтаб ўқувчиларининг ёзги таътилга чиққанларига ҳам бир ойдан ошди. Уларнинг айримлари ўқувчилар оромгоҳларида, яна қайбиридир қариндош-уруғлариникида, баъзилари эса уйда, оналари билан ёзги дам олишни ўтказмоқдалар. Уйда дам олаётган пойтахт болаларининг ҳам ўз масканлари бор экан. Бу «маскан» барчага маълум ва машҳур бўлган Отчопар бозоридир. Мен бу ерда «дам олаётган» айрим ўғил-қизларнинг фикрини қоғозга туширдим.

Хосият, 14 ёш:

— Мен 8-синфни тугатиб, 9-синфга ўтдим. Ҳар куни шу Отчопар бозорда 3—4 килопаб писта, қурут, яна анча-мунча сигарета сотаман. Автобусда

зерикарли. Бу ерда эса турли одамларни кўраман, ҳам вақт тез ўтади.

Ҳозир ёзги таътил вақтида катта синглим ҳам биз билан савдо қилляпти. Турли хилдаги чанқовбосди ичимликлар, айрон, совуқ чой сотамиз. Топишимиз ёмон эмас, тушган фойдадан

ларим мактабга боришади. Ўзимга ҳам яхши буюм олгим келади. Мен ҳеч қачон бозорда савдо қилиб пул топишни айб демайман, чунки ўғирлик ёки безорилик қилмаётганим йўқ-ку.

гига нисбатан арзон бўлганлиги учун 2—3 соат ичида тезда сотиб бўламиз. Уқиш вақтида дарсдан кейин олиб келардик. Мактабда аёлочи бўлганлигим учун уйдагилар дарсдан қолишимга йўл қўймас эди.

Ҳозир ҳам таътилни тезроқ тугашини хоҳлайман. Мен синфдошларимни яхши кўрганлигим учун шундай деяпман. Бозорни эса

ОТЧОПАРНИНГ БОЛАЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?

орттириб синглиларимга янги кийимлар ол-

Қаҳрамон, 12 ёш:

— Мен идишларни кў-

ЎЗИНГИЗ ХУЛОСА ЧИҚАРИНГ

уйга қайтаётганимда ёки бозорнинг ўзида баъзилар куриб:

— Вой, сен ёш экансан, кун билан бозорда утириб чарчмайсанми. — деб сурашади. Мен чарчмайман, аксинча, кун билан уйда утириш

Илҳом, 14 ёш:

— Деярли ҳар куни Отчопардаман. Ойпада катта фарзандман, мендан кейин учта синглим бор, улар мактабда фақат аёло баҳоларга ўқишади. Ота—онам билан бирга бозорга чиқаман.

дик. Чунки ҳадемай ёз ҳам утиб, ўқишлар бошланиб қолади, сингли-



таришда аямга ёрдамлашаман. Биз олиб келган ош ҳам мазали, ҳам давлат ошхоналарида-

дарсдан кейин ҳам давом эттирса бўлади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Юқорида айтиб ўтилгандай ёзги дам олиш таътилини Отчопарда ўтказайтган болаларни кўлаб учратиш мумкин. Аммо... нима ҳам дердик, ҳозир «Иш билганга минг танга» дейдиган замон. Сиз нима дейсиз, болалар?

Атрофингни девор билан ўрама,
дўстлар билан ўра

(Чех мақоли)

Эмма МОШКОВСКАЯ

ФАЙЗЛИ

КЕЧ

Йўқолиб қолди сигир,
Сигир йўқолиб қолди!
Ҳалак бўлиб эгаси
Эзгин ўйларга толди.



Қардош халқлар адабиётидан

ОЛМА ДАРАХТИДА

ЧИМА ЎСАДИ?

Никаню ва Миканю
Олма экишди.
Кун ўтмай мевасига
Кўзин тикишди.
Учинчи кун деганда
Кўринди ҳосил.
Муштдеккина бир

нима,

Бир нима — сархил!
Шафтоли, йўқ, ўрик деб
Тортишди анча.
Қарасалар яхшироқ,
Экан чумчуқча!

Нина КИРКИНА

ОНАМ СУРАТИ

Овқатингни тезроқ е деб
Бақирмайман
синглимга.
Хатто кўшиқ айтгим
келмас,
Кўшилмайман ҳеч
кимга.

Ҳамма ишни четга

суриб,

Ҳамма ишдан кечиб воз.

Онам расмин чизмоқ учун

Кўлга оламан қоғоз.

Мана меҳр тўла кўзлар,

Кулиб боқар оламга.

Мана лаблар, бироқ сурат

Ўхшаб қолар дадамга.

Қалам, бунча қулоқсизсан,

Бунча қайсарсан, қалам.

Қоғоз узра аксин топар

Яна жилмайиб дадам.

Кўнглим тўлмай

чизганимдан

Хаёлларга толаман.

Сўнг ўзимни туголмасдан

Пича йяглаб оламан...

Абдурахмон АКБАР

ўзбекчалаштирди.

Ширин, хуш сўзлар билан
Говмушини чақирар.

Балки йироқдадир деб

Номин айтиб бақирар.

Сигир эса жим эди,

Эсар эди майин ел.

Уфқлар қора тортиб,


Кириб келмоқдайди кеч.

Шундай кечки, серфайз,

Таърифи, тавсифи йўқ.

Сигирнинг бўлса уйга

Қайтгиси келмасди ҳеч!



Талашувми, танлашув?

Абдураззоқ Кўшиша Шофиркон туманида яшаб ижод қилади. Унинг «Лайлатулқадр» номли тўплами чоп этилган. Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармалари билан биргаликда ўтказилган «Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар» кўриқ-танловида «Кушларга айтилган туш» насрий тўплами билан қатнашиб совринли ўринни эгаллади.

Умид бу сафар варракни гулли қоғоздан ясади. Қизил атласдан унга дум қилди. Узиям варракмисан варрак булди. Шундай баланд учсинки, булутлар ҳам пастда қолиб кетсин. Бирдан узини варракни думидан ушлаб тепага кутарилиб кетаётгандек, кейин булутлардан булутларга сакраб юргандек ҳис қилди. Кузларини қисиб пагапага булутларга қаради. «Маза, қаёққа бораётган экан», — муаллимнинг иссиқ ҳаво совигаҳ совуқ ҳаво исигаҳ, булутлар ёмғирга айланади. Ёмғир дарёларда сув бўлиб оқади, дарёлар эса денгизга қуйилади, деган сузларини тинглади.

— Денгизни ҳечам курмаганман, — деди узига узи алам билан. Нодир эса ўтган ёзда Артекка борганида курган. Лекин у ҳам узимизнинг Оролни курмаган. Бизга энг яқин денгиз Орол. Шу булутларга миниб бораман-да, «Салом, Орол, мен келдим», дейман. Кейин Нодирга сен узимизнинг денгизни курмагансан, асли узимизнинг денгиз Орол дейман.

Умиднинг эсига бирдан радио, телевизорда Оролнинг қуриётгани, у қирғоқдан узоқлашиб кетаётганлиги ҳақидаги гаплар тушди-да, кайфияти бузилди. Булут-

лар денгизга естаман дегунича тарқаб кетса-я... Бирдан уни ваҳима босди. «Орол бутунлай қуриб қолса-я...»

Булутлар аста-секин Шимолдан Жанубга томон сузарди. Умид икки қулини оғзига карнай қилиб қичқирди; «Булутжон, Оролга ёмғир булиб қуйил! Орол яна тўлсин!» Самога анчагача тикилиб турди. Булутлар йулини ўзгартирмади. Эшитмади, деди алам билан. Бирдан миясига галати уй келди. «Булутжон, илтимос, Оролга бориб қуйил,

варрак

Ҳикоя

Орол қуримасин», деб ёзаман-да, варракка елимлаб ёпиштираман. Хатни уқийди-да, Оролга ёмғир булиб ёғади. Узининг фикридан узи қувониб кетди. Яна кузини қисиб пагапага булутларга қаради. Булут унинг ёзганларини тушунаркан. Тушунади, нега тушунмас экан. Бувиси, барча хайвонлар, дарахтлар, қуёш, ой, булут — ҳамма нарса гапга тушунади, фақат уларнинг тили йўқ, жавоб беролмайди, дегандилар. Уйга кириб дафтарида бир варақ олдида, чиройли қилиб катта-катта ҳарфлар билан ёза бошлади. «Булутжон, гарбга—Орол томон суз, Оролга ёмғир булиб қуйил. Орол тўлсин. Орол қуриса денгизсиз қоламиз. Ҳамманинг денгизи булса-ю бизнинг денгизимиз булмаса қандай яшаймиз. Хайми, булутжон!»

Хатнинг остига «Умид» деб имзо қуйди. Сунгра хатни елимлаб варракка ёпиштирди. Ёзганларини қайта ўқиркан, Умид гўе кинолардагидек денгиз қирго-

гида туриб, уфқлар орасини ёриб чиқаётган қуёшни кузатар, тулқинлар ундан миннатдордек пойига бош уради.

— Ака, бодбезакни уйра мизми?

Укаси Воҳиднинг бу суроғидан Умид хушига келди. Воҳид Умиддан уч ёш кичик. Яна бир ойдан сўнг биринчи синфга боради.

— Учирамиз.

— Бодбезак зур булибди-а?

Укасининг мақтови Умид-

га хуш ёқди.

— Зур.

Ялангликка чиқдилар. Умид варракни Воҳиднинг қулига бериб, галтак ипини бушата бошлади.

Воҳид варракни

бошидан баланд кутарди-да, қуйиб юборди. Умид гизиллаганча галтак ипини олиб чопди.

— Урре, ур-рре, кутарилди, кутарилди!

Укасининг ҳайқирғини эшитган Умид тўхтаб осмонга қаради. Самода туш уриб парвоз қилаётган варракнинг атлас думи кўкни тилгудек булиб ялтирарди. Воҳид чопқиллаганча акасининг ёнига келди.

— Ака, манам ипини битта ушлай, — илтижоли деди Воҳид.

— Яна бироз баландга кутарилсин, кейин ушлайсан.

Умид аста-секин ипини буцаптгани сайин варрак баландликка кутарила бошлади. Хурсанд булган Воҳид икки қулини юқорига кутариб қичқирди:

— Бодбезак варрак,

— Урре, булутларга тегай дейди.

Варрак гўеки булутларга етмоқчи булганидек, самода шох ташлаб уйнади. Умиднинг назарида шу пайт у булутлар билан сурашаётгандек, улардан ёмғирга айланиб, Оролга қуйилишини илтимос қилаётгандек эди...

Абдураззоқ Кўшиша.



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора
Йўлдошева, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРГИЗБОВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 боёма табоқ
Буюрма — Г-0447.
10960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30
Набатчи муҳаррир О.Тухтаназаров.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Маъзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Маъбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
33-44-25